

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 18-dekabr, chorshanba № 100 (15738)

Navqiron avlod so'zi

## Боланинг соғлиғи — мамлакат бойлиғи

Бола — беғубор, болалик дунёси ҳам оқ қогоздек гардсиз ва мусаффо. Болалар тезроқ улғайишни хоҳлашади. Улар зийраклик билан ҳамма нарсани тез илғаб олишади. Айниқса, катталар гапирётган ҳар бир гап улар учун жуда қизиқ туюлади. Нимани ўргатсангиз, шунга одатланади. Зеро, ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Президентимиз томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ҳам айнан ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни назарда тутди.

Бола маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида соғлом оила ва ота-онанинг ўрни жуда муҳим. Ҳар бир бола ота-онаси унга кўпроқ эътибор қаратишини, кўпроқ у билан бирга вақт ўтказишни хоҳлайди.

Кўшнимизнинг Ёдгор исми ўғли бор. У бир куни ойиси билан боғчадан қайтаётган экан. Бирдан боғча опаси билан қучоқлашиб хайрлашмагани эсига тушиб қолибди. Ва югуриб бориб мураббияси билан хайрлашибди. Ойиси қизиқиб сўрабди:

— Ёдгор, боғчага келганингга энди бир ҳафта бўлди. Боғча опанг билан дарров яқин бўлиб олибсанми?

— Ҳа, ойижон. Биласизми, боғча опам жуда кўп эртақ билади. Мана шунча, — у бармоқларини ёзиб завқ билан гапирарди. — У киши сиздан ҳам кўп эртақ айтиб беради.

— Жуда яхши, — дебди онаси. — Мен ҳам боғча опангдек кўп эртақ биладиман. Хоҳласанг ҳар куни ухлашингдан олдин сенга роса эртақ айтиб бераман.

Болакайнинг чехраси қувончдан ёришиб кетибди. Чунки у эртақ эшитишни жудаям яхши кўрарди-да. Қани энди, боғчадаям, уйдаям фақат эртақ эшитса. Эртақ — унинг жону дили.

Болалик шундай беғубор фасл. Беғуборлик болаларнинг кулгисиди, озорсиз шўхликлариди акс этади. Бола бир ниҳол каби, уғул ишонч ва меҳр керак. Болалик шундай бир тўлқинки, шўхлик ва шаддодлик унга хос. Кўнглида заррача ғубори йўқ болалар олижаноблик, қахрамонлик, саҳийлик ва самимият ҳақидаги эртақларни эшитиб катта бўлса, яна яхши. Чунки эртақ эшитиб катта бўлган болада ростгўйлик, ҳалоллик, ватанпарварлик туйғулари шаклланади. Қолаверса, унинг маънавий олами бойийди, фикри тиниқ ва соғлом бўлади. Ахир бежиз «эртақлар — яхшиликка етаклар», дейилмайди-ку.

Шаҳсан ўзим истиқлол фарзандиман. Мустақил юртда ўсиб, улғайдим. Юртбошимиз янги йилга ном бериш тўғрисида гапирар эканлар: «Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир», деб алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас. Юртимиздаги оилаларга қаранг. Улар том маънода бахтиёр ҳаётдан баҳраманд бўлиб ўсяпти, порлоқ келажаги учун улкан режалар билан яшамокда. Бугун мустақил Ўзбекистонимизда яшаётган ҳар бир инсон келажакка ана шундай ишонч билан боқаяпти. Бундай шароитда, бундай зўр ва бахтиёр оилаларда тарбия топаётган болалар, Президентимиз назарда тутгандек, эртага, албатта, баркамол, маънан етук ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етади.

Юртимизнинг келажаги биз, ёшларнинг қўлида. Ёш авлод қанчалик соғлом бўлса, келажагимиз шу қадр нурафшон бўлиши аниқ. Шундай экан, мамлакатимизда болалар соғлиғи ва саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар замирида катта мақсад — нурли келажак ва фаровон ҳаётни таъминлаш мақсади мужассам.

**Маликабону ТОЛЛИБОЕВА,**  
Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси



## Қалбдан ўчмас кунлар сурури

Yoshlar festivali davom etadi

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг йирик лойиҳаларидан бири — «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали Ўзбекистон ёшларининг чинакам байрамига айланиб қолди. Бу йил ҳам мазкур фестиваль республикамизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ташкил этилди, яқуний босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Аслида, пойтахтимизда фестиваль доирасидаги тарғибот тадбирлари жорий йилнинг август ойидан бошланган. Бунинг учун Тошкент шаҳар ҳокимининг «Биз буюк юрт фарзандлари-

миз!» шиори остидаги «Камолот» тарғибот лойиҳасини ўтказиш бўйича туркум чора-тадбирлар режаси ҳам қабул қилинди. Мазкур лойиҳа доирасида август-ноябрь ойларида юзга яқин

учрашув ва тарғибот тадбирлари ўтказилди. Туманларда «Ҳоким ва ёшлар», «Депутат ва ёшлар», «Кўчма кино», «Юлдузлар ташрифи», «Эко-оромгоҳ» лойиҳалари, «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда «Президент асарлари билимдони» кўрик-танлови ташкил этилди.

Фестивалнинг яқуний қисми шу йилнинг 14-17 декабрь кунлари пойтахтимизнинг барча туман-

ларида давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ҳамда концерт дастурлари асосида ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари, театр ва кино санъати намояндalarидан иборат республика тарғибот гуруҳи аъзолари ёшлар билан дилдан суҳбатлашиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилган ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишди.

(Давоми 2-саҳифада)

## Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Семурғ» болалар томошагоҳи очилди.**

Уч юз нафарга яқин болани ўз бағрига сиғдира оладиган мазкур майдон Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан қуриб фойдаланишга топширилди. Унда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, концерт дастурлари, танловлар, викториналар уюштириш мумкин. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Боғдаги уч минг ўринли амфитеатр, фитнес клуби, болалар стадиони, «Тупрок қўрғон» мажмуаси, мўъжаз ҳайвонот боғи ҳамда турли аттракционлар ҳам болажонлар хизматида.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

**Конимех иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежида «Ёшлар чекишга қарши!» мавзуида минисессиялар ташкил этилди.**

Умумий ўрта таълим муассасаларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчилари ва «Камолот» фаоллари иштирокида ўтган сессия Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонунига бағишланди. Унда ёшларга қонуннинг мазмун-моҳияти чуқурроқ тушунтирилди. Йигирма ёшга тўлмаган шахслар алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсири, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан огоҳ этилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида чекишнинг олдини олиш учун кўчаларга, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари сотиладиган савдо шохобчаларига ва серкатнов кўчалардаги автомобилларга тарқатма материаллар, ўқув қўлланмалар тарқатилиб, тарғибот ишлари олиб борилди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Боёвут туманидаги «Баркамол авлод» марказида «Конституциямиз — бахтимиз қомуси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Ҳаракатнинг Боёвут тумани кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мазкур танловда тумандаги мактаб ўқувчиларидан иборат жамоалар таъинлашув, савол-жавоб, сардорлар беллашуви, эркин мавзу каби шартлар бўйича ўзаро беллашди.

Бир-биридан қизиқарли шартлар асосида ўтган танлов сўнггида «Фемида» жамоаси ғолиб бўлди.

# Қалбдан ўчмас кунлар сурури

(Давоми,  
аввали 1-саҳифада)

**КУТИЛМАГАН УЧРАШУВЛАР, ФЙДАЛИ МУЛОҚОТЛАР**

Залда ўтирсанг-у, қарсақлар остида сен кўришни ҳавас қилган актёр ёки кўшиқчи кириб келса, қандай ажойиб-а? Мазкур фестивал Чилонзор тумани ёшлари учун ана шундай кутилмаган учрашувларни тўхфа этди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Шоҳида Узоқова, Муҳаббат Сотволдиева, Зулфия Умирова ҳамда ёш хонандалар иштирок этди. Туман ёшлари театр саҳнасида намоиш этилган спектакллардан парчалар кўришиб, Ватанни, мардлик ва жасурликни улғулочки куй-кўшиқларга рақсга тушишди. Улар актёр ва санъаткорлар билан ўтказган кувнок дақиқаларини фотога муҳрлашди. Бундай учрашувлар Чилонзор коммунал хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежида, 1-Тошкент педагогика коллежида, 162-, 173-мактабда ҳамда «Дўмбиробод» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди.

— Бу йилги фестивал ўзининг кўлами кенглиги ва қамрови билан ўтган йилгига нисбатан алоҳида ажралиб турибди. Фестивал доирасида саккизта тарғибот тадбири ташкил этилди. Уларга икки минг нафар ёш қамраб олинди, — дейди Чилонзор тумани «Камалак» болалар ташкилоти раиси Бекзод Каримов.

«Депутат ва ёшлар» лойиҳасида ёшлар ва уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган қонунлар, қонуности ҳужжатлар, қарорлар ҳақида гапириб ўтилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдукамол Раҳмонов ёшларга Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида ҳамда Президентимизнинг Қонституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий оми-



лидир» маърузасининг мазмун-моҳиятини тушунтирди.

«Ҳоким ва ёшлар» учрашувида таълим муассасаларидаги Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари, сардорлар ҳамда етакчилар кенгаши аъзолари Чилонзор тумани ҳокими Фани Исmoilхўжаев билан мулоқотда бўлиб, ёшлар орасидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича ўз тақлифларини билдиришди. Ҳар икки томон учун ҳам самарали бўлган учрашувда туман ҳокими томонидан ўн икки нафар иқтидорли ва ташаббускор бошланғич ташкилот етакчиси ва сардорларга «Камолот» аъзолик кўрак нишонлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Бу йил Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши Чилонзор тумани ҳокимини «Ёшлар билан ишлашдаги йилнинг энг фаол туман ҳокими» номинацияси ғолиби деб топди.

— Ёшлар фестивали тенгдошларим билан учрашиш, актёр ва санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, депутат ва ҳоким билан очиқ мулоқотда бўлиш имконини берди, — дейди Ўзбекистон Миллий университети қошидаги

С.Сироҷиддинов номидаги академик лицей ўқувчиси, кимё фанидан ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиби, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони соҳиби Дилшода Ортиқбоева. — Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан биз, ёшлар ҳам шу Ватан тараққиёти учун муносиб хизмат қилишимиз керак.

**Дилобар НУРАЛИЕВА**

**ЯРАТИШ ВА ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАГАН БАЙРАМ**

Мазкур фестивал Юнусобод туманида ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бир-биридан қизиқарли ижодий учрашувлар, қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган давра суҳбатлари, танли эстрада хонандалари ижросидаги концерт дастурлари ёшларнинг ҳақиқий байрамга айланди.

Тадбирда «Ҳоким ва ёшлар», «Юлдузлар ташрифи», «Депутат ва ёшлар», «Кўчма кино», «Эко-оромгоҳ» сингари лойиҳалар ташкил этилди.

Дастлаб фестивал Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежида бошланди. Сўнг тумандаги 70-, 235-, 43-, 9-, 51-, 260-, 259-, 265-мактабда ҳамда Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицей, машинасозлик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирокида давом этди.

— Озод ва обод Ватанга байрамлар ярашади, деганларидек, бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, тўю тантаналарнинг устидан чиқасиз. Бу дорилмомон кунларнинг шуқуҳи, Ватанни севиш, шукроналикдан далолат беради. Бугун ёшлар учун ўтказилаётган бундай тадбирлар, ўйлаймизки, мамлакатимизда яратилаётган улкан имкониятларнинг қадрига етиш, улардан унумли

фойдаланиш, ватанпарварлик ва фидойилик хислатларини янада кучайтиришга ундайди, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова.

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи фестивалнинг иккинчи кунги тантанали очилишига мезбонлик қилди. Кинорежиссёрлар билан учрашув, «Нихол» мукофоти совриндори Каниза, ҳушовоз хонанда Зоҳиджон Исҳоқов томонидан ижро этилган дилтортар кўшиқлар йиғилганларга байрамона қувонч бағишлади.

Тадбир давомида Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат шарқшунослик ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институтлари қошидаги академик лицейлар, Юнусобод дизайн ҳамда компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, 97-, 247-, 273-мактабларнинг ўқувчилари ўзларининг фаол ва ташаббускорлигини фестивалдан ўрин олган лойиҳалари орқали намоён этишди.

— Мазкур тадбир давомида бахтли болаликнинг завқ-шавқини туйдиқ, — дейди ТАТУ қошидаги академик лицей ўқувчиси Абдулазиз Маҳкамов. — Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши, биз, ёшларга маданий озуқа берибгина қолмай, балки ўқишда ҳам изланиш, яратувчанликка иштиёқ, куч, шижоат, ғайрат бағишлайди. Ўтаётган ҳар бир кунимизнинг қадрига етишга туртки беради, деб ўйлайман.

Ушбу фестивал якунида тадбир ва лойиҳаларда фаол иштирок этган Абдулазиз сингари иқтидорли ўқувчи-ёшлар Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ**



Носир Хайдаров олган суратлар

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалидан ўрин олган лойиҳалар пойтахтимиздаги барча туманларда кўтаринки руҳда ташкил этилди.

# Аёллар фаоллиги жамиятга хизмат қилади

Jamiyat va ayol

Давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрсатилаётган эътибор ва рағбатнинг самараси сифатида бугунги кунда юртимизда кечаётган изчил ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллиги ошиб бормоқда.

Юксак иқтисодий салоҳиятга эга вилоятимиз тараққиёти, унинг гуллаб-яшнашида ҳудуд хотин-қизларининг муносиб ҳиссаси бор.

Навоий вилояти аҳолисининг 442 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Минглаб аёллар саноат, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида қизгин меҳнат қилишмоқда. Аксарияти ўз фермер хўжаликлари, корхоналарига эга. Қизларни мактаб давриданок тозалikka, саранжом-саришталикка, хунарга ўргатиш мақсадида мактаблар қошида «Ораста қизлар» тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Вилоятимиз қизларидан ўн уч нафари Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Шунингдек, бир қатор



ташкilotлар билан ҳамкорликда «Энг намунали ёш оила», «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида», «Энг намунали хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкilotи», «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси», «Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони», «Партиянинг оқида аёли» каби кўрик-танловлар, «Аёл тadbиркор бўлса, оила фаровон бўлади», «Ўз бизнесингни йўлга қўй» мавзудаги семинарлар ташкил этиляпти.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан вилоятда «Аёллар спартакиадаси» спорт фестивали ўтказилди.

Жорий йилда ташкил этилган «Энг намунали корхона хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкilotи» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг намунали корхона, ташкilot хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи» номинациясида «Қизилкумцемент» ОАЖдан Муяссар Нур-

назарова, «Энг намунали касб-хунар коллежи, академик лицей хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи» номинациясида Навоий педагогика коллежи хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи раиси Гулчехра Рўзиева, «Энг намунали тиббиёт муассасаси хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи» номинацияси бўйича «Дори-дармон» ОАЖ хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи раиси Раида Мирзаева, «Энг намунали олий ўқув юрти хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи» номинацияси бўйича Навоий давлат кончилиқ институту хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи раиси Саодат Бозорова, «Энг намунали маҳалла хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи» номинациясида «Ф.Хўжаев» МФЙдан Лола Тўраева, «Энг намунали мактаб хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкilotи» номинациясида Учқудуқ туманида-

ги 20-мактабдан Светлана Очиллова голибликни қўлга киритди.

Улар ёшларда Ватанга муҳаббат, эл-юртга фидойилик туйғуларини кучайтириш, хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида турли маънавий-маърифий тadbирлар уюштирмоқда.

Хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкilotлари аъзолари жамият тараққиётида демократик тамойилларнинг қарор топишида, янги жамият барпо этиш жараёнларида илғор куч сифатида ўзларини намоеён этмоқда. Жамиятимиз юзмаюз келаётган турли иллатлар илдизларини қирқишда аёллар журъати ва қудратидан фойдаланиш давр талабидир.

**Анора БОБОМУРОВОДА,**  
Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, Навоий вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси

## Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**Тошкент вилояти адлия бошқармасида ёшлар ва вилоят жиноят, фуқаролик ва хўжалик судлари судьяларининг учрашуви ташкил этилди.**

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тadbирда ёшларга Ўзбекистон Республикасида судлар фаолияти тарихи, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, давлатимизда судларга оид қабул қилинаётган қонунлар тўғрисида, жиноят, фуқаролик ва хўжалик судлари тизими, уларнинг фаолият доираси, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**Фарғона олимпия захиралари коллежида белбоғли кураш бўйича спорт мусобақаси бўлиб ўтди.**

Ёшлар ўртасида ташкил этилган мазкур мусобақада 45, 55, 65, 75 килограмм вазн тоифаларида ўнлаб ёш полвонлар гиламга чиқишди. Мусобақа натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи ва Фарғона солиқ коллежи жамоаси кучли учликни қўлга киритди. Шунингдек, 45 килограмм вазн тоифасида Рашид Аббосхонов, 55 ва 65 килограмм вазн тоифасида Лочинбек Ҳайитов, Сайдулла Бобоев, 75 ва ундан юқори вазн тоифасида Иброҳим Ўрозалиев ҳамда Аббос Раҳматиллаевга тенг келадиган топилмади. Улар мусобақанинг олтин медалига эга бўлди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**Зомин тумани тиббиёт коллежида «Конституция ва қонунларни ўрганизмиз» мавзуда мактаб ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.**

Ҳаракатнинг Зомин тумани кенгаши ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ўтказган танловда тумандаги 25-мактабнинг «Ёш сенаторлар», 15-мактабнинг «Қалқон», 50-мактабнинг «Фемида», 1-мактабнинг «Баркамол авлод», 34-мактабнинг «Қалқон — 2», 9-мактабнинг «Адолат» жамоаси учта шарт бўйича ўзаро беллашди.

Яқуний натижаларга кўра, «Ёш сенаторлар» жамоаси 86 балл билан Зомин тумани голиблигини қўлга киритди. Энди ушбу жамоа танловнинг вилоят босқичида туман шарафини ҳимоя қилади.



## Фойдали ғояларга муносиб рағбат

Imkoniyat

Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳар йили юртимиздаги ўрта махсус таълим муассасаларида билим олаётган ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар орасида тadbиркорлик ва ишбилармонликни тарғиб қилиш мақсадида анъанавий тарзда «Ишбилармон талаба» танловини ўтказиб келади. Анъанага мувофиқ, жорий йил ушбу танловнинг республика босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган танлов қизгин ва ҳаяжонли ўтди. Унда юртимизнинг турли вилоятларидан келган тенгдошларимиз ўз йўналишлари бўйича кўрғазмаларини ҳайъат аъзолари ва жамоатчилик олдида маҳорат билан намойиш этишди. Шунингдек, бизнес режалари ҳақида ҳам атрофлича маълумот беришди.

Қизгин дўстона баҳс муҳитида кечган танлов натижалари эса янада ҳаяжонли бўлди. Фахрли ўринларни эгаллаганлар номи эълон қилинди.

Ғолиблар орасида Сирдарё академик лицейи ўқувчиси Шириной Холиқова ҳам бор эди.

— Билимдон, иқтидорли, зукко тенгдошларим орасида иккинчи ўринга муносиб кўрилганимдан хурсандман, — дейди Шириной. — Танлов билимимни синондан ўтказишда мен учун ажойиб кўрик бўлди. Яна турли вилоятлардан келган тиришқоқ, янгилликка интилувчан тенгдошларимнинг қизиқарли ғояларидан хабардор бўлишим, тажриба ошири-

шим, келгусидаги лойиҳаларимни бойитишим учун ажойиб мактаб вазифасини ўтади.

Шириной ва бошқа ғолиб тенгдошларимиз танловнинг махсус стипендиyasi билан тақдирланди.

Қизиқарли танлов сўнггида иштирокчилар учун пойтахтимизнинг гўзал, хушманзара гўшалари бўйлаб эсда қоларли саёҳат уюштирилди.

**Шоҳсанам ҚАЮМОВА,**  
Сирдарё вилояти

# Барчаси учун ташаккур, Ватан!

 Davlat mukofoti sovrindorlari

Билолиддин ўн тўққиз ёшида бундай юксак мукофот билан тақдирланишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Тўғри, тўққизинчи синфда ўқиган кезлари, кимёдан вилоят фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаганда республика миқёсида зафар кучишни ҳам ўйлаган, бу ғолиблик унга нима тақдим этишини-да тасаввур қилган эди. Шу ёшда «Шухрат» медали билан тақдирланиш эса унга ҳаётидаги оламшумул воқеа бўлиб туюларди. Бироқ у кутмаган, тенгдошимизни келгусидаги муваффақиятлари сари руҳлантирган ажойиб воқеа юз берди — Президентимизнинг шу йил 3 декабрдаги «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида биноан Билолиддин Шаробиддинов «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Тенгдошимиз Андижон вилоятининг Шахрихон туманидан. У бешинчи синфгача Кушқўноқ қишлоғидаги 42-мактабда, кейин тумандаги 53-ихтисослашган мактаб-интернатда таълим олди. Ҳамма фанга бирдек меҳр қўйган эса-да, кимё унинг келажак йўлини ёритувчи машъала янглиқ порлаб, Билолиддиннинг алоҳида қизиқишига сабаб бўлди. Шу боис ҳам у кимёни астойдил ўрганишга, фаннинг сир-асрорини пухта ўзлаштиришга интилди. Тўққизинчи синфда ўқиётганида эса вилоят фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади. Энди у ўз олдига янада улкан мақсадларни қўйди, янги марраларни забт этиш учун шахд билан киришди.

Эътибор берганмисиз, ўқишга, билим олишга дилдан меҳр қўйган кишини ҳеч бир машаққат чекинтиролмайдди. Аксинча, қийинчиликлар инсон

иродасини тоблаб, мақсади учун курашишга, ҳаётда собитқадам бўлишга ундайди. Билолиддин гарчи жиддий қийинчиликни бошдан ўтказмаган бўлса-да, илмининг меҳнатлаб йўлида заҳмат торттишига тўғри келди. Эзгу ниятларига эришиш истаги уни пойтахтимизга, Ўзбекистон миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицейга бошлади.

Замонавий ўқув жихозлари ва лаборатория ускуналари билан таъминланган, ўз ишини пухта биладиган, тажрибали педагоглар меҳнат қилаётган лицейда ҳам тенгдошлари орасида ҳар жихатдан пешқадам бўлишга ҳаракат қилди. 2012 йилда кимё фани бўйича ўтказилган фанлар олимпиадаси унинг ҳаётида муваффақиятларга тўла янги саҳифани очди. Ўшанда Билолиддин республика босқичида 1-ўринни



эгаллаб, Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинди. Орадан бир йил ўтиб, яъни шу йилнинг 24-30 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасида тенгдошимиз олтин медални қўлга киритди. Ўшанда биринчи ўрин учун беллашув нечоғли қийин кечганини тасаввур қилиш учун дунёнинг 17 давлатидан 117 нафар сара иқтидор эгаси қатнашганини кўз олдимизга келтириш кифоя қилади.

Жорий йилнинг 15-24 июль кунлари кимё фани бўйича Москва шаҳрида бўлиб ўтган 45-халқаро олимпиададаги иштироки ҳам Билолиддиннинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бўлди. У 77 давлатдан 308 нафар иштирокчи қатнашган ушбу нуфузли беллашувда юртимиз шарафини дадил туриб ҳимоя қилди ва бронза медални қўлга киритди.

Билолиддин мазкур халқаро олимпиадаларнинг ҳар бирига алоҳида, пухта тайёргарлик

кўрди, назарий ва амалий жиҳатдан билимини такомиллаштиришга интилди. Чунки тенгдошимиз бу беллашувлар шунчаки билимни синовдан ўтказадиган мусобақа эмаслигини, унга ота-онаси, устозлари, энг муҳими, улар сиймосида халқимиз ишонч нигоҳини тикканини яхши биларди. Ва шу ишонччи оқлаш, юртимиз шарафини ҳимоя қилиш учун беллашди ва номи ғолиблар қаторида эътироф этилди.

Жорий йил Билолиддин академик лицейни тамомлаб, Тошкент тиббиёт академиясига имтиёзли қабул қилинди. У олий таълим муассасасида ҳам фаол, тиришқоқ талабалардан. Кимё фани бўйича олган билимларини тиббиётда амалиётга татбиқ этиш учун мунтазам изланишда.

— Менимча, юртимизда улғаяётган ҳар бир тенгдошимнинг юрагида Ватанимиздан чуқур миннатдорлик ҳисси мужассам. Чунки бизга яратилган шароит ва имкониятларни бошқа давлатлар билан қиёслаганда, ҳақиқатан ҳам, имкониятлар мамлакатида яшаётганимизга ишонч ҳосил қиламиз, — дейди «Шухрат» медали соҳиби Билолиддин Шаробиддинов. — Юртимиздаги барча соҳа ривожига бирдек эътибор қаратилиб, биз, ёшларга юксак ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдоримиз. Бизга билдирилган ишонччи оқлаш учун бор билим ва куч-ғайратимизни сафарбар этамиз!

Тенгдошимизнинг мақсади улкан, нияти бутун. Энг муҳими, кўнглида эртанги ҳаётга ишонч, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш истаги мужассам. Шу эзгу мақсадлари рўёбга чиқишига биз ҳам ишонамиз. Зеро, кимки эзгу ниятда бир ишга астойдил бел боғласа, йўли ойдин, тилаги ижобатдир.

**Хайриддин МУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

 Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

## Замонавий таълим самаралари

Мамлакатимизда демократик ўзгаришлар ва иқтисодий тартиқдорлик барқарор ривожлантиришнинг зарур шарт сифатида таълим соҳасини такомиллаштириш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, уларга ҳеч кимдан кам бўлмаган замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида Ўзбекистонда таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, ўн икки йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида янги таълим муассасалари барпо этилди, мавжудлари замонавий андозалар асосида реконструкция қилиниб, таъмирланди.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонида асосан Сирдарё вилоятида 2004-2013 йилларда 105 мактаб биноси реконструкция қилиниб, 137 мактаб капитал таъмирланди. 8 янги мактаб барпо этилди. Ушбу мақсадларга 63 миллиард 490 миллион сўм маблағ сарфланди. Барча мактаблар замонавий ўқув меbellари, компьютер техникаси, кўргазмалар курувлари, дарсликлар билан тўлиқ таъминланган. 280 мактаб

компьютерлари интернет тармоғига уланган.

— Мактабимизга 2012 йилда 10 замонавий универсал доска, 12 нетбук, «Epson» видеопроектори ўрнатилди, — дейди Ховос туманидаги 14-умумтаълим мактаби директори Саодат Тошқулова. — Парта, стол-стул ва бошқа мебель жиҳозлари янгиланди. 15 «Janove» русумли тикув машинаси, дурадгорлик ва чилангарлик асбоб-ускуналари, замонавий ва миллий мусиқа асбоблари келтирилди. Мухтасар айтганда, ўқувчининг билими ва салоҳиятини ошириш, қобилиятини юзага чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши ўқув жараёнига янги педагогик услубларни жорий этиш, ахборот-технологияларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Вилоятдаги 202 мактабда компьютер синфлари ташкил этилиб, уларга электрон дарсликлар ўрнатилди.

Айрим мактабларда дарслар интернет орқали бошқа таълим муассасалари билан боғланган ҳолда он-лайн мулоқот тарзида ўтказилмоқда.

Ногирон болалар учун инклюзив таълим тизими йўлга қўйилган. Уларга махсус бириктирилган ўқитувчилар белгиланган таълим стандартлари асосида сабоқ бермоқда.

— Болалигимдан ногиронман, — дейди Ховос тумани «Соҳибкор» қишлоқ фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Акмал Ниназаров. — Қишлоғимиздаги 3-ўрта мактаб ўқитувчилари ёрдамида уйда ўрта маълумотли бўлдим. Теварак олам, табиат, жамият қонуниятларидан хабардор бўлиб, маънавият асосларини ўргандим. Хунарли бўлдим. Ҳозирда телевизор устасиман. Ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Биз, ногиронларнинг тенгдошларимиздан ортда қолмаслигимизни ўйлаб, мана шундай алоҳида шароит яратиб бераётган Юртимиздан миннатдоримиз.

Ногирон болаларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Уларга жисмоний ва ақлий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мактабдаги машғулотларга қатнашиш, тенгдошлари билан болалик гаштини суриш имконияти яратилмоқда. Фанларни ўзлаштиришда тенгдошлари кўмаклашмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2013 йилдан бошлаб барча умумий ўрта таълим мактабларида 1-синфдан чет тили ўқитилмоқда. Уларга инглиз, немис, француз тиллари расмлар, ўйинлар, кўшиқ ва шеърлар, мультимедиа иловалар асосида ўтилмоқда. Мактабларда жами 549 чет тили хонаси ташкил этилиб, компьютерлар, DVD плеерлар, баннер ва бошқа кўргазмалар жиҳозлар билан таъминланди.

Таълим муассасаларини янгилаш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншоотлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш ишлари давом эттирилмоқда. 2013 йилда 17 таълим муассасасида капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. 3 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 1 спорт мактаби ва 5 спорт зали бунёд этилди.

Ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган фикрларининг ҳаётдаги ифодаси сифатида ҳар биримизга гурур-ифтихор бағишлайди.

**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

# «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» НИШОНДОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида «Камолот» ЁИҲ МК қарори билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган 27 нафар тенгдошимизга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонлари топширилган эди. Газетамизнинг ўтган сонларида шу юксак эътирофга сазовор бўлган бир неча ёш йигит-қизларнинг чиқишлари билан танишдингиз. Қуйида тақдирланган тенгдошларимиздан яна бир неча нафари самимий кўнгил кечинmalarини сиз билан ўртоқлашади.

**Гулсарвиноз Умаралиева,**  
Тошкент давлат аграр университети магистранти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби:

— Бугун тенгдошларим эришаётган муваффақиятларга ҳавас қиламан, ука-сингилларим қўлга киритаётган ютуқлардан эса ғурурланаман. Бир тенгдошим ўзбек тилида гапирадиган робот яратса, бир укам саккиз ёшида шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлаяпти. Бундай ёшлардан фахрланмай бўладими?

Мен ҳам чинакам истеъодлар мамлакатаида тенгдошларимдан ортда қолмай, дея яратилган шароит ва имкониятлардан ўз вақтида фойдаланишга ҳаракат қилаяпман. Мактаб давридаёқ қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиққанман. Шу боис Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирдим. У ерда устозларим Тоштемир Остонақулов ва Абдушукур Ҳамзаев раҳбарлигида иқлимимизга мос бўлган юқори ҳосил берадиган, зараркунандаларга ҳам чидамли «Яроқли — 2010» номли картошка навини яратдим. 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби бўлдим. Айни кунда Тошкент давлат аграр университетида магистратура йўналишида агрономлик мутахассислиги бўйича таълим олаяпман. Бу ерда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича илмий тадқиқот олиб бораёпман.

Тадбиркорликка ҳам қизиқишим баланд. 2009 йили юртимизда ёш тадбиркорлар учун яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда «Tumaris textil» хусусий корхонасини ташкил этдим. Корхонамиз, асосан, махсус кийимлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳозирда буюртма орқали Самарқанд вилоятидаги турли корхона ва ташкилотларга керакли кийимларни тайёрлаб келяпмиз. Корхонада меҳнат қилаётган йигирма нафар ишчи-ходимнинг барчаси коллеж битирувчилари ҳисобланади. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаганим, ёш тадбиркорлигим, «Камолот» ЁИҲ фаоли эканлигим учун бир қатор имтиёз ва имкониятларга эгаман. Соф даромадларим ҳисобидан дунёнинг бир қанча мамлакатларига бориб, илғор тажрибаларни ўрганиб келишга, ўз маҳсулотларимизни турли кўргазмаларда намойиш этишга муваффақ бўлдим. Жумладан, 2010-2011 йилларда Ҳиндистонда ўтказилган «Ёш дизайнерлар ва тадбиркорлар» кўргазмасида қатнашдим. 2011 йили «Йил аёли» танловининг республика босқичида иштирок этиб, «Энг ёш тадбиркор» номинацияси голиби бўлдим. Ўша йилнинг ўзида «Тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш дастури»да муваффақиятли қатнашиб, имтиёзли фоиз асосида микрокредит олиш имкониятига эга бўлдим. 2012 йилда «Агар мен депутат бўлсам» республика кўриктанловида иккинчи ўринни қўлга киритдим.

Конституциямизнинг 21 йиллиги арафасида эса «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Чап кўксимда порлаб турган ушбу нишон шу юрт тараққиёти ва фаровонлиги учун муносиб ҳисса қўшишга, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишга ундайди.

Олдимга катта режаларни қўйганман. Биринчи навбатда, корхонамда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, янги иш ўринларини яратишни мақсад қилганман. Ҳозирда болалар кийимларини ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Бунинг учун кредит асосида янги тикув машинасини харид қилдик. Юртимизда биз, ёшларга яратилган шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишни ўзимнинг ўзбек кизи сифатидаги бурчим деб биламан.



**Игорь Сергеев,**  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, футбол бўйича мамлакат ёшлар терма жамоаси аъзоси:

— Мен мустақил Ўзбекистонда туғилганимдан бахтиёрман. Чунки шу юртда ёшларга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг натижаси ўларок, орзуларим рўёбга чиқяпти.

Болалиқда футболчи бўлишни жудаям орзу қилганман. Отанам спортдаги иқтидоримни эрта пайқаб, интилишларимни қўллаб-қувватлашди. Мени спорт мактабига беришди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда болалар спорти нечоғли ривожлангани, бунинг учун қандай шароитлар яратиб берилганлиги ҳаммамизга аён. Буни республикаимизда бунёд этилган кўплаб замонавий спорт объектлари, барча қулайликларга эга спорт мажмуалари мисолида кўриш мумкин. Мен ҳам ана шундай муҳитда тарбияланиб, профессионал спортга қадам қўйдим. 2011 йилдан бошлаб миллий терма жамоамиз аъзоси сифатида халқаро турнир ва чемпионатларда Ватанимиз шаънини ҳимоя қилиб келяпман.

Ҳар сафар майдонга тушганимда ҳаяжонланаман. Чунки миллионлаб юртдошларимиз, устозу мураббийлар, кўп сонли футбол ишқибозлари — бари ғалаба қозонишимизга интиқ бўлиб туришганини ич-ичимдан ҳис этаман. Бундай ишонч менга ҳамиша мадад беради, куч-ғайрат бағишлайди. Мен терма жамоа сафига кирган дастлабки йили Эронда ўтказилган Осиё чемпионатининг саралаш босқичида қатнашиб, ўзимга билдирилган ишонччи — халқ ишончини, айниқса, кучли сезганман. Натижада жамоамиз билан Покистон, Афғонистон, Туркменистон, Эрон терма жамоалари устидан ишончли ғалаба қозондик.

Ўтган йили Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида терма жамоамиз учинчи ўринни эгаллади. Чемпионат давомида мен рақиб дарвозасига етти та тўп киритишга муяссар бўлдим ва «Энг сермаҳсул ўйинчи» деб топилдим. Жорий йилда «Осиё кубоги — 2015» саралаш босқичи ўйинларида ҳам анча муваффақиятли қатнашдик. Спортдаги зафарларимиз ҳақида узоқ гапириш мумкин. Улар кўп ва насиб этса, кейинги йилларда давом этаверади. Фақат бир нарсани алоҳида таъкидлашни хоҳлардим, қайси мусобақада иштирок этмайин, мен ва ўйламанки, юртимиздаги ҳар бир спортчи, аввало, Ватанимиз обрўси, жаҳондаги шон-шухратини юксакларга кўтаришни олдимизга бирламчи мақсад қиламиз. Шунга яраша ҳаракат қиламиз, ғалаба учун курашамиз!

Мамлакатимизнинг азиз байрамларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир гуруҳ ёшларга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони топширилди. Бу мукофотга мен ҳам лойиқ топилдим. Очиғи, кутилмаганда келган бу хабар қалбимни ўзгача фахр-ифтихорга тўлдирди. Йигирма ёшимда давлатимизнинг юксак эътирофига сазовор бўлиш мен учун шараф. Шу билан бирга, зиммамга улкан масъулият юклайди. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланган ёшлар, қайси соҳада бўлмасин, ўзларининг иқтидор ва маҳорати билан қолганларга намуна бўлиши, янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоғи даркор. Келгусида мен ҳам футболимиз ривожига муносиб ҳиссамни қўшиб, юртимиз байроғи жаҳон чемпионатларида сарбаланд туриши учун бор кучимни сафарбар этаман. Юртим равнақи йўлида астойдил хизмат қиламан! Бизнинг катта ғалабаларимиз ҳали олдиндадир!



# Обод турмуш, муносиб ҳаёт

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Муносиб ҳаёт, обод турмуш тарзини тарғиб этишда ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш» мавзuida республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган конференцияда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, илмий тадқиқотчилар, талабалар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуманда ёш авлоднинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши, халқ фаровонлиги, Ватанимиз ободлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга эришиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Шунингдек, конференцияда ёшларни юксак маънавиятли шахс қилиб вояга етказиш йўлида аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, обод турмуш тарзини тарғиб

этишга қаратилган саъй-ҳаракатларда уларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини оширишнинг илмий-амалий асослари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Конференцияда тенгдошларимнинг ташаббускорлигини ошириш ва етакчилик қобилиятини шакллантиришга қаратилган маърузам билан қатнашяпман, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси

## Yoshlar va ma'naviyat

Фируз Набиев. — Бундай илмий ва амалий учрашувлар ўзаро тажриба алмашишга, ёшларнинг ижтимоий, маънавий баркамоллигини оширишга хизмат қилади. Бу ерда устозлар маърузаларини тинглаб, қўшимча билимларга эга бўлдим.

Конференциянинг амалий қисми уч шўбада — «Обод турмуш йили»да эришилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг ижтимоий-маънавий аҳамияти», «Ижтимоий ҳаёт тарзини тарғиб этишда ижтимоий фанларнинг ўрни ва аҳамияти» ҳамда «Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш ҳолатлари ва истиқболлари» каби мавзуларда ташкил этилди. Ҳар бир шўбада мавзуга оид фикр-мулоҳазалар тингланиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг замонавий услубда бунёд этилган янги ўқув биноси, ўқув театри, қишки сув ҳавзаси, ахборот-ресурс маркази ҳамда талабалар тураржойларида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Тадбир якунида фаол иштирокчилар муносиб рағбатлантирилди.

Раъно АБУЛҚОСИМОВА

## Bugun o'qovchi — ertaga mutaxassis



## НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Бешариқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежида айни кунда 1 минг 633 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга 120 нафардан ортиқ устозлар беш йўналишда касб-хунар сирларини ўргатишяпти. Мазкур ўқув юртида ўқитишнинг янги усуллари кенг фойдаланиш, ўқувчи учун қўлай шаклларда дарс ташкил этиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Кимё фани ўқитувчилари Юлдуз Рўзиметова ва Феруза Қўшоқова, информатика ўқитувчиси Феруза Маматқулова ва иқтисод фани бўйича Саодат Тошқўзиева каби янгиликка интилувчан устозларнинг дарс жараёнларида кўргаз-

мали куруллардан кенг фойдаланиши, ноанъанавий тарзда дарс ташкил этиши бошқаларга ўрнак бўляпти. Уларнинг назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаган ҳолда ўтаётган дарслари ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқиши ортишига, мавзунини мукаммал ўзлаштиришига асос бўляпти.

Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири.

**СУРАТДА:** кимё фани ўқитувчиси Феруза Қўшоқова ўқувчилар билан «Ион алмашиш реакциялари» мавзусида лаборатория машғулотини ўтказяпти.

## 1 savolga 1 javob

Пойтахтимиздаги бир неча ўрта махсус билим юртида SMS-кундалик юритиш йўлга қўйилган. Бизнинг коллежимиз ўқувчиларига ID-карталар берилиб, уларнинг ота-оналарига ҳам SMSлар жўнатилмоқда. Мазкур тартибни ўрнатишдан мақсад ва унинг вазифалари ҳақида маълумот берсангиз.

Шаҳзод Абраҳматов,  
Олмазор политехника касб-хунар коллежи ўқувчиси

**Саволга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази масъул ходими Иброҳим Носиров жавоб беради:**

— Ўқувчилар хавфсизлигини таъминлашни инobatга олган ҳолда «Дарс-инфо-сервис» МЧЖ жамоаси томонидан ўзбек таълим тизимига мослаштирилган «SMS-кундалик» ижтимоий-дастурий маҳсулоти яратилиб, босқичма-босқич академик лицей ва коллежларда жорий этилмоқда. Бу усул орқали ота-оналар ёки васий ва ҳомийларнинг уяли алоқа телефонида фарзандлари тўғрисидаги маълумотлар, яъни ўқув масканига келган ва кетган вақти, кун давомида олинган баҳолар, эртанги кунлик дарс жадвали ҳамда уй вазифалари, хулқи, фарзандига тегишли, ўқув масканидаги барча маълумотлар ва индивидуал SMS-хабарлар келади.

Мазкур телекоммуникация дастурига компьютер, видеокузатув тизими ва ўқув юртига ўқувчининг кириб-чиқишини назорат қилувчи ускуна (турникет)лар ҳам қиради. Бунда ўқувчилар шахсий электрон карталар билан таъминланиб, ушбу пластик карта орқали ўқув юрти ҳудудининг кириш қисмига ўрнатилган турникет-радиоускунадан тегишли тартибда видеорўйхатдан ўтади. Шу вақтнинг ўзида ота-оналарнинг уяли телефонида фарзандининг ўқув юртига қайси вақтда кириб-чиқиб кетганлиги ҳақидаги тезкор маълумот юборилади. Ўқув юрти маъмурияти эса, ушбу комплекс орқали тезкор тарзда ўқувчининг хулқи ва давомати ҳақида тегишли маълумотга эга бўлади.

«SMS-кундалик» дастурининг функционал вазифаси ҳозирги замон ўқув тизими ва тарбиялаш концепциясига тўлиқ жавоб беради. Ота-оналар ва ўқув масканлари ўртасида мохир ва таъсирчан воситачи бўлиб хизмат қилади, улар ўртасидаги алоқаларни тубдан яхшилади. Дастурни татбиқ этиш жараёнида ўқитувчилар ва устозлар меҳнатини маънавий рағбатлантириш имкониятини яратади.

Бугунги кунда ушбу ижтимоий дастур республикамизнинг ўн учта ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида жорий этилган. Тошкент алоқа, Тошкент ахборот технологиялари, Миробод компьютер технологиялари, Тошкент автомобиль йўллари, Олмазор тиббиёт, Олмазор политехника, Тошкент авиасозлик, Андижон банк, Асака автомобиль йўллари касб-хунар коллежларида, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги, Тошкент техника университети қошидаги 5-сонли, Тошкент шаҳридаги И.М.Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети филиали қошидаги, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор ва Юнусобод туманларидаги академик лицейларда жорий этилиб, ижобий самара бермоқда.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади

## E'tirof

# Дугонамнинг мақтовга арзигулик устози

Дугонам Дурдона устози Боғдагул опани мақтагани мақтаган. «У киши бизга жуда меҳрибон, дарсларни ҳам қизиқарли ўтади», дейди у. Шундай пайтларда мен ҳам дугонамнинг меҳрини қозонган ўша Боғдагул опани кўргим, у билан мириқиб гурунглашим келади. Албатта, кимдир бировни мақтаса, у билан яқиндан танишиш, суҳбатлашишни хоҳлашинг табиий.

Бир куни «Ораста қизлар» танловида қатнашиш учун дугонамнинг мактабига бордим. Ўшанда Кегейлида мактаблараро мусобақа ўтказилаётганди. Борсак, тумандаги 55-

мактаб ўқувчиларининг тайёргарлиги қизғин. Оқ-сарикдан келган, тўлача бир опа уларга жон-жаҳди билан бир нималарни тушунтираяпти. Шунда хаёлимдан шу гаплар

ўтди: устоз бўлса, шундай бўлсин-да — куюнчак. Кейин билдим, ўша куюнчак опа дугонамнинг севимли устози, қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Боғдагул Алжанова эди.

— Ҳозирда Кегейли туманидаги 55-мактабда ўқитувчиман, — дейди Боғдагул опа. — Кегейлидаги 5-мактабда ўқиётганимда, тил ва адабиёт фанидан фанлар олимпиадасида голиб бўлгандим. Ва Нукус давлат педагогика инсти-

тутига имтиҳонсиз кирганман...

Боғдагул опа ўтмишга қайтиб, кўп хотираларни кўзгади-ми, ишқилиб, бироз жимиб қолди. Ўшанда опанинг олдидаги таржимаи ҳолга кўз югуртирдим. Унда шундай ёзилганди:

... Боғдагул Алжанова 1999 йилда «Намунали келинчак» танловининг республика босқичида учинчи ўринни олган. 2001 йилда Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси бўлган. У ўн олти йилдан буён педагог.

Ҳозирда шогирдлари олий ўқув юртлари талабаси, айримлари ўзи каби ўқитувчи, бошқаси шифокор, муҳандис...

Ҳа, устознинг муваффақияти, албатта, унинг тинимсиз меҳнати, касбини чиндан севишининг мевасидир.

Ойжамол  
КАРОМАТДИНОВА,  
Қорақалпоғистон  
Республикаси Кегейли  
туманидаги 11-мактаб  
ўқувчиси

# Завол топган бахт

**Кўп қаватли уйлар олдидаги ўриндикда Фариди опа хаёл суриб турибди. Ҳаёт ташвишларидан йироқ, шўх-шодон болаларга қараб: «Менинг Камолам ҳам кечагина шундай қувноқ, бахтиёр эди. Қизим ғамгин, одамови бўлиб қолди. Ҳаммасига ўзим айборман», дея ўйларкан, бўлиб ўтган воқеалар кўз олдида яна бир бор намоён бўлди.**

Фарида дугоналари билан бозорда савдо қилади. Эри Миразиз анча ювош, мўмин йигит. Оилада Фариданинг айтгани-айтган, дегани-деган.

Ёлғиз қизи Камолага совчи келганда Миразизнинг: «Ойиси, қизимиз ҳали ёш, мактабни энди тугатди. 16 ёшда узатиб нима қилмоқчисан? Ҳеч бўлмаса коллежда ўқисин, хунарли бўлсин», деганида Фаридага гапи ўтмади. Фарида эрига: «Қанақа тушунмайдиган отасиз? Ахир, қизимиз кўзга кўриниб қолди. Келган совчи бегона эмас, Моҳинисо — яқин ўртоғим. Четга қатнайди. Ўзига тўқ хонадон, қўша-қўша уй-жой, машина... Тамом-вассалом, мен ҳам қизимнинг сарполарини тайёрлаб қўйганман. Коллеж-поллеж бўлса, бир гап бўлар. Пул бўлса, чангалда шўрва. Моҳинисо Камоланинг ўқитиб ўзим гаплашаман, тўйни тезлаштирайлик, деяпти. У ҳамма нарсани эглайди», дея кескин гапирди Фариди.

Тез кунда ўртоқлар хоҳиши амалга ошди — Камола билан Улуғбекка нон синдирилди.

— Моҳинисо, сирагина қайнонага ўхшайман-а, — хушомад қилди Фариди. — Келинли бўлясан-у, ҳали ўзинг келинчақларга ўхшайсан, туф-туф, кўз тегмасин. — Бўлмасам-чи, — кибрланди Моҳинисо, — ҳали ёшман.

Бўлғуси қудалар хурсандчиликдан бир-бирларини қимматбаҳо совғалар билан сийлашди.

Кўп ўтмай, шаҳардаги энг катта ресторанларнинг бирида дангиллама тўй бўлиб ўтди.

Кўёв бола «катта бизнес-

мен» эмасми, тўйдан сўнг кўп ўтмай, ишига шўнғиди. Қайнона ҳам «тинчиб олгач», хорижга жўнаб кетди. Рўзгор юмушларининг бари ёш келин Камоланинг гарданида. Икки қайсингининг уй юмушларига унчалик тоби йўқ, чунки улар сал эрқароқ ўсишган-да.

Девор-дармиён яшайдиган катта ойи, яъни Моҳинисонинг қайнонаси Муборак опоқи бу хонадонга кунига камида икки-уч марта кириб-чиқиб, Камоланинг ишларини кўздан кечирарди. Ёш келинга маслаҳат бериш ўрнига, баъзида у билан ўчакишиб ҳам қоларди. Нима қилса-да, Камоланинг ишларидан камчилик топарди, дакки берарди.

— Вой, намунча имилла-масангиз, келинпошша? — дерди Камоланинг ўтирган турганини кузатиб Муборак опоқи. — Келин дегани чаққон-чаққон қимирламайдими? Соат ўн бир бўпти, ҳали овқатингиз тайёрмас. Неча марта айтаман сизга, сал эртароқ туринг, деб — жаврай кетди катта ойи.

— Ойижон, соат тўртда тургандим. Овқатни ҳам бошлаб қўйганман, — деди Камола хушмуомалалик билан.

— Катта гапирганда жим кулоқ солади-да, — жеркиди кампир.

— Хўп, ойижон, узр, — дея олди келин ўпкаси тўлиб.

... Бундай ҳолатлар кунда-кунора бўлиб туради. Камола гоҳида ўзини қафасга тушиб қолгандек ҳис қилади. Бу уйдаги яқин одами — Улуғбек акаси ҳам эрталаб қоронғида кетиб, кечки қоронғида келади. Камола кечқурун эрига ота-онасини анчадан буён

кўрмаганини, бироз зерикканини, руҳсат берса уларни кўриб келишини илтимос қилганди, эри тутаклиб кетди: «Сенга нима етмаяпти, еганинг олдинда, емаганинг кетинда бўлса? Тилларга ўраб қўйган бўлсам, яна нима истайсан ўзи? Бўлди қил, чарчаганман. Яна шунақа дийдиё қиладиган бўлсанг, ота-онангнинг олдида бира тўла кета қол», деди аччиқланиб.

Камола бу уйда уни тушунадиган одам йўқлигидан сиқиларди. Телефонда ойисига бу ҳақда гапирганда, ойиси, қўявер, ҳали қайнонанг хориждан келса, ўзим тушунтираман, дея юпатиб кўярди.

Катта келини Моҳинисо хориждан қайтган Муборак опоқи Камоланинг фарзанд кўрмаётганидан, камчиликларидан нолиди. Сўнг Камолага:

— Қачонгача шундай юрмоқчисиз, ана, сиз билан бир кунда тўй бўлган қўшни келин Нигорахон ўғил туғди, — деди.

— Ахир, Нигора опам мендан олти ёш катталар-ку, мен ҳам... — дея нимадир демокчи эди, кампир унинг гапини бўлди:

— О-хо! Ҳеч нарсага ярамасангиз ҳам тилингиз бурро-ку! Ҳали сиз мени неварамга ўн йилдан кейин туғиб бермоқчимисиз? — деди.

— Унақа демокчимасман, ойижон. Дўхтирлар ҳам «келинингиз жуда ёш, фарзанд кўришга ҳали тиббий томондан тайёрмас», деганди-ку ойимга, — деди йиғламсираб.

Бу уйда ҳар куни шу мавзу муҳокама қилинадиган бўлди.

Эртасига Моҳинисо қудаси Фаридани уйига чақирди, бу мавзу яна кўтарилди.

— Энди, ўртоқ, хафа бўлмайсан. Камолахонни энг зўр дўхтирларга обордик. Ҳали-вери фарзанд кўрмайди, дейишяпти. Биз ҳам орзу-ҳаваслар билан келин қилгандик. Уғлининг бефарзанд ўтишини қайси она хоҳлайди? Ким билади, балки Камолахон бепушт-

дир. Аммо менинг ўғлим соппа-соғ, ана, дўхтирнинг қоғозини кўргин, ишонмасанг, — деди Моҳинисо шартта-шартта.

— Ахир, қизим ҳали ёш, деганимда, бу ёғига ишинг бўлмасин, дегандинг-ку, ўртоқ. Нега бесабрлик қиляпсан энди? Бироз кутайлик, ёшларни бир-бирдан айирмайлик, — деди Фариди ялиганнамо.

— Қизингиз соғлом эмас экан, — гапга аралашди Муборак опоқи. — Бетгачопарлигию, хатоларини қўяверинг, — дея Камоланинг арзимас камчиликларини ҳам санай кетди катта ойи.

Бу можарога кўёв, ўзларингиз биласизлар, деди лоқайдгина.

Фурур устунлик қилиб келиннинг онаси ҳам гапдан қолмади. Бўлди жанжал, бўлди жанжал.

Кечагина бир-бирларини совға-саломлар билан сийлаган «орзу-ҳавасли» қудағайлар бугун бир-бирларини бисотларидидаги бор совуқ гаплар билан «сийладилар». Кесатиқ гапларга ҳақоратлар ҳамроҳ бўлди, орадан андиша қувғин бўлган, қарғишлар ҳам бўй чўзиб қолди. Икки томон, кузатиб турган кишига ёвдек, душмандек туюларди.


Қудачилик кўнгилқолди-чилик билан якун топди.

— Гулдай қизимнинг бахтини барбод қилдиларинг, ўғилларинг ҳам кун кўрмасин, — деди келиннинг онаси алам билан.

— Қарғишинг ўзингга урсин. Ҳали қараб тур, мен тирик эканман, неварамни тагин онаси ўпмаган қизга уйлантирмасам, отимни бошқа қўяман, — бўш келмади катта ойи.

Фариданинг хаёлидан кечаётган ушбу воқеалар унда қудаларига чексиз нафрат уйғотди. Қилган ишидан пушаймонлик унинг юзида ифодаланиб турарди. Ҳар доим ҳам «пул бўлса, чангалда шўрва» бўлмаслигига иқрор бўлаётганлигини аниқ илғаш мумкин эди.

**Майсапа НАЗАРОВА, «Turkiston» мухбири**



## Бўш қутиларни ким қўриқлайди?

Испаниянинг Принсип шаҳри полициясига шаҳар мэри томонидан бўш қутиларни қўриқлаш вазифаси топширилди.

Гап шундаки, шаҳар марказида безатилган арча атрофига қўйилган совға қутилари ўғирлаб кетилмоқда. Қутилар рангли гулқоғозлар билан ўралган бўлса-да, ичи бўм-бўш. Бирок ўғирларнинг бундан хабари йўққа ўхшайди. Энди полиция томонидан бу қутилар тун-кун қўриқланмоқда. Полиция ходимлари буни ўзларига нисбатан ҳурматсизлик дея қабул қилди. Чунки посбонларнинг бўш қутиларни қўриқлашдан-да масъулиятли ишлари бор. Уларнинг фикрича, бўш қутиларни қўриқлаш учун ходимларга тўланаётган 14 минг евро пулни бекорга совуриш билан баробар.

## Икки экранли планшет

Ҳиндистондаги «Notion Ink» корпорацияси ўзининг янги «Adam II» икки дисплейга эга бўлган планшети тақдимотини ўтказди.

Планшет дисплеи 10,1 дюймга эга бўлиб, қурилманинг чап ёнида ҳам кичик экран мавжуд. Ён экран кам қувват сарф этсада, иш-лаш тезлиги ҳам пастроқ. Ёрданчи экранда асосан хабарлар чиқиб туради. Планшетнинг ўзида эса икки ядроли процессор, саккиз гигабайт хотира ва 3,15 мегапикселли камера мавжуд. Экрандаги ранглар миқдори эса 800 га 1280 пикселдан иборат. «Android 4.2.2» операцион тизимида ишлайдиган «Adam II» планшети ўртача 270-310 АҚШ долларига сотилмоқда. Шунингдек, унда китоб ўқиш учун янги дастурлар юкланган бўлиб, бошқа планшетларга қараганда анча қулай.

## Канцлер ва 82 яшар қария

Германия канцлери Ангела Меркелнинг хизмат машинаси автотрассадаги автомобиллардан бири билан тўқнашиб кетди.

Фалокат мамлакат ҳукумати етакчиси Бранденбург шаҳридан Берлинга кетаётганда содир бўлган. Канцлернинг лимузини ёнидан ўтиб кетаётган машина тўсатдан бурилиб, ёнидаги автомобилга урилиб кетди. Бу машина эгаси 82 ёшли қария экани маълум бўлди. Бирок ҳар икки машина энгил қирилган, холос. Воқеа натижасида ҳеч кимга зиён етмади.

## Муносиб ёдгорлик

Жанубий Африка Республикасининг биринчи қора танли президенти Нельсон Мандела шарафига Претория шаҳрида ҳайкал ўрнатилди.

Манделанинг жилмайиб кучоқ очиб турган тўққиз метрлик ҳайкали ҳукумат биноси қаршисида қад ростлади. Ун кунлик мотам ўз ниҳоясига етганидан сўнг, мамлакатнинг амалдаги президенти Жейкоб Зума ёдгорликни очиб берди. Олтинчи декабрь куни вафот этган Манделанинг дафн маросимида юз мингдан ортиқ одам иштирок этди. У қора танлилар ҳуқуқлари учун курашгани туфайли умрининг кўп қисми қамокда ўтган. Мандела тинчлик йўналишида Нобель мукофотида сазовор бўлган.

**Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



Яқинда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги «Қияли» МФЙда қишлоқ врачлик пункти янги бинода ўз фаолиятини бошлади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган врачлик пунктида ўн беш нафар саломатлик посбони беш мингдан зиёд қишлоқ аҳлига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

**СУРАТДА:** ҚВП бош шифокори Дилрабо Парпиева ва олий тоифали катта ҳамшира Чўлпоной Самадова.

**Нуриддин МАҲКАМОВ олган суратлар.**

